

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРМУХАМЕДОВ АБДУФАТТАХ МАХКАМОВИЧ

**ВИГНЕРНИНГ СПИН-ИЗОСПИН $SU(4)$ -СИММЕТРИЯСИ, УНИ
БУЗУВЧИ ОМИЛЛАР, СИММЕТРИЯНИ БАЖАРИЛИШ ДАРАЖАСИ
ВА ОҒИР АТОМ ЯДРОЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТИКЛАНИШИ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.
Тезлаштирувчи техника**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
физико-математических наук**

**Content of the dissertation abstract of the doctor (DSc)
on physical and mathematical sciences**

Нурмухамедов Абдуфаттах Махкамович

Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси, уни бузувчи омиллар,
симметрияни бажарилиш даражаси ва оғир атом ядролари соҳасидаги
тикланиши 3

Нурмухамедов Абдуфаттах Махкамович

Вигнеровская спин-изоспиновая $SU(4)$ -симметрия, нарушающие
факторы, степень реализации симметрии и восстановление в области
тяжелых атомных ядер 25

Nurmukhamedov Abdufattakh Makhkamovich

Wigner's spin-isospin $SU(4)$ -symmetry, violating factors, level of
realization and restoration in the field of heavy atomic nuclei 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРМУХАМЕДОВ АБДУФАТТАХ МАХКАМОВИЧ

**ВИГНЕРНИНГ СПИН-ИЗОСПИН $SU(4)$ -СИММЕТРИЯСИ, УНИ
БУЗУВЧИ ОМИЛЛАР, СИММЕТРИЯНИ БАЖАРИЛИШ ДАРАЖАСИ
ВА ОҒИР АТОМ ЯДРОЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТИКЛАНИШИ**

**01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси.
Тезлаштирувчи техника**

**Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/FM134 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифага (www.inp.uz) ва “Ziynet” ахборот порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Муминов Толиб Мусаевич физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси академиги
Расмий оппонентлар:	Новиков Юрий Николаевич физика-математика фанлари доктори, профессор Усманов Пазлитдин Нуритдинович физика-математика фанлари доктори, профессор Турсунов Эргаш Махкамovich физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти “Физика-Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» куни тарқатилди (2020 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.Б.Игамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда дунёда ядро физикасининг экспериментал базаси ғайриоддий хоссага эга бўлган экзотик нуклидларни олишга қаратилган. Турли-туман яратилган экспериментал комплекслар таркиби аномал сонли протон ва нейтрондан иборат нуклидларни ўрганади. Бундай комплекслар ядро муаммоларини ечишдан ташқари астрофизик жараёнларни тушинтиришда катта ўрин тутади. Ўта оғир ядролар худудида улар релятивистик жараёнлар ва шу жараёнларни Д.И. Менделеев Даврий жадвалидаги янги атомларни хоссаларини ёритишга мўлжалланган. Бундай комплекслар олдида қўйилган масалалар муваффақиятли ечилиши учун нуклид харитасида жойлашган экзотик ядролар массиви ҳақида ахборот олиш зарур. Бундай экспериментал ахборотни олиш назарий физика усуллари ёрдамида адекват қаромат қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда бу муҳим масалани ечиш учун яхшиси мураккаб квант тизимларини тавсифловчи суперсимметрияга асосланган назарияни қўллаган маъқул. Масалага бундай ёндошиш ядро хоссаларини моделлаштиришни соддалаштиради ва катта миқдордаги маълумотлар массивини тавсифлашга имконият беради. Шу ердан диссертацияни долзарблиги келиб чиқади, чунки диссертацияда атом ядроларида Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси каби суперсимметрияни бажарилиш масалалари кўрилган. Ядроларда спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бажарилиши диссертация ишининг зарурлиги бўлиб, атом ядроси каби мураккаб тизим хоссаларини симметрияга асосланиб назарий жихатдан муваффақиятлироқ тавсифлаш имкониятини яратади.

Бизнинг республикамызда атом ядросини назарий ва экспериментал ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилади. Мамлакатимиз ривожини учун катта аҳамият эга бўлган бу фундаментал тадқиқотлар йўналиши ва унинг кейинчалик амалий қўлланилиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 29 ноябр 2018 йилда эъдон қилинган “2019-2021 йилларга мўлжалланган асосий иқтисодий ислохотлар йўл харитаси” қарорларини амалга оширишга ушбу диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия

¹ 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи. Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясига бағишланган тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Wisconsin-Madison (АҚШ), Scuola Normale Superiore-Pisa ва INFN Sezione de Pisa (Италия), The Niels Bohr Institute (Копенгаген, Дания), Cyclotron Laboratory and Physics Department, Michigan State University (АҚШ), Indiana University (Bloomington, АҚШ), Миллий тадқиқот маркази “Курчатов институти” (Россия), Москва физика-техника институти (Россия) ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси бўйича дунё миқёсида олиб борилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар асосида анча илмий натижалар олинган, шу жумладан: Индиана Университети (АҚШ) да Галонский гуруҳи томонидан оғир ядролар соҳасида pn -туридаги реакцияни кузатиш экспериментларида аналог ва Гамов-Теллер резонансларини “айниши” кузатилган. Аналог ва Гамов-Теллер резонансларини “айниши” назарий томондан фақатгина Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси тикланганда содир бўлиши Гапонов ва бошқалар томонидан қаромат қилинган эди. Лекин, pn -туридаги реакция экспериментлари юқори даражали радиоактив фон шароитида бажарилгани сабабли қўпол усул ҳисобланади. Вигнер симметриясини тикланиш соҳасини аниқ топиш учун ядро массаларини таҳлил қилиш зарур. Ядро массаларини таҳлил қилиш орқали спин-изоспин симметрияни тикланишини экспериментал аниқлаш учун интенсив урунишлар қилинди. Катта ҳажмдаги тадқиқот ишлари бажарилишига қарамасдан бу урунишлар, йўл қўйилган услубий хатоликлар сабабли, муваффақиятсизликга учради.

Ҳозирги вақтда жаҳонда Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси қатор устивор йўналишлар бўйича, шу жумладан: экзотик ядролар массивлари ҳақида экспериментал ахборот олиш, спин-изоспин симметриясини оғир ядролар соҳасидаги тикланишини экспериментал кузатишга доир тадқиқотлар «Курчатов институти» миллий тадқиқот маркази ва Москва физика-техника институтлари томонидан олиб борилмоқда.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Вигнер спин-изоспин симметрияси тадқиқоти билан жаҳоннинг етакчи илмий марказларини қўпгина олимлари машғул, масалан, америкалик (Э. Вигнер, А. Галонский ва б., Д. Баитум ва б.), италиялик (П. Францини ва А. Радикати), россиялик (Ю.В. Гапонов, Ю.И. Григорьян, Ю.С. Лютостанский, Б. Шульгина, Д.М. Владимиров ва б.).

Вигнер масса формуласини $A \leq 110$ соҳада экспериментал массалар орқали таҳлил қилиш, Вигнер функцияларини универсаллиги даражасини аниқлаш ва Вигнер бўйича фақат изоспинга боғлиқ бўлган омил-мезон қийматлари ҳисобланди (П. Францини ва А. Радикати). Францини ва Радикатилар чекланган сонли ядро массаларидан фойдаланганлар. Бундан ташқари улар омил-мезон қийматларини ҳисоблашда методик хатога йўл

қўйишган: улар ҳисоблашларда ядро массаси ўрнига жадвалларда келтирилувчи нейтрал атом массаларидан фойдаланган. Ядроларни экспериментал массаларини таҳлил қилиш орқали оғир ядролар ҳудудида Вигнер симметриясини тикланишини исботлаш мақсадида катта тадқиқотлар ўтказилган (Ю.В. Гапонов, Ю.И. Григорян, Ю.С. Лютостанский, Б. Шульгина, Д.М. Владимиров). Авторлар омил-мезон қиймати ҳисобланувчи формулага Кулон тузатишини киритдилар ва жуфтлашиш ходисасини суний усулда ҳисобга олишди. Фойдаланилган дастлабки маълумотлар хато бўлгани сабабли улар Вигнер эмпирик функцияларини, атом ядроларида Вигнер симметрияси ўринлиги даражасини ва симметрия тикланиш соҳасини аниқлай олмадилар.

Атом ядроларида Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бузилишига сабабчи бўлувчи омиллар мавжуд. Бу бузувчи омилларни спин-изоспин симметрияга таъсирини ўрни ва ҳар бир ядрода симметрияни бузилиш даражаси ўрганилмаган. Бундан ташқари, ядроларда Вигнер спин-изоспин симметриясини тикланиши мумкинлиги ҳақидаги гипотезани экспериментда кузатиш масаласи очик қолмоқда. Бу муаммони ечилишидаги асосий тўсиқ бўлиб, Вигнер масса формуласидаги универсал функцияларни ядро параметрларига боғлиқлигини ноаниқлиги ҳисобланади. Вигнер симметриясини бузилиш даражасини баҳолаш учун омил-мезоннинг аниқ математик кўринишини билиш лозим, қайсики у ёрдамида атом ядроларида спин-изоспин симметрияси тикланишини статистик усуллар билан таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-текшириш ташкилотлари илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзФА Ядро физика институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф2-011 «Электромагнит нурланишнинг гамма-соҳадаги тўлиқ ташқи қайтиш эффектини тадқиқот қилиш» (2007-2011) ва Ф2-ФА-Ф114 «Паст энергияли реакцияларда ҳосил бўлувчи экзотик ядроларнинг хусусиятларини ва енгид элементларни пайдо бўлишини ўрганиш» (2012-2016) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияни бузувчи омилларнинг ўрни ва бузилишдаги улушини, ядроларда симметриянинг бузилиш даражасини аниқлаш ва спин-изоспин симметрияни оғир ядролар соҳасида тикланишини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

масса сонини кенг ўзгариш соҳасига тегишли (илмий адабиётдан олинган) атом ядроларининг тажрибада аниқланган массага тегишли маълумотлардан фойдаланиб Вигнер масса формуласидаги эмпирик функцияларни аналитик кўринишини аниқлаш;

Вигнер ва Вайцеккер масса формулаларини таққослаш орқали Вигнер эмпирик функцияларга физикавий изоҳ бериш;

атом ядроларида Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бажарилиш даражасини омил-мезон қийматларини масса сони ўзгариш соҳада ҳисоблаш орқали баҳолаш;

Вигнер спин-изоспин симметрияси тўлиқ бажарилган ҳолат учун изоспинга ва Вигнер ядролар турига боғлиқлигини ҳисобга олувчи омил-мезонни аниқ назарий формулани топиш;

ҳисобланган омил-мезон қийматларидан фойдаланиб, Стюдентнинг t -мезони усули ёрдамида Вигнернинг спин-изоспин симметриясини атом ядроларида тикланиш-тикланмаслигини аниқлаш, Стюдентнинг t -мезони ёрдамида олинган статистик хулосаларни олий ишончлилигини Вигнер типигаги ҳамма ядроларда тасдиқлаш;

Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси тикланган атом ядролари массасини абсолют қийматларини ҳисоблаб, экспериментал маълумотлар билан таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб кучли таъсирлашиш учун ҳос бўлган спин-изоспин $SU(4)$ -симметрия ходисаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб очиқ адабиётда чоп этилган масса сонларини кенг ўзгариш соҳаси учун ядро физикасини бутун ривожланиш давридаги экспериментда аниқланган атом ядролари массалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари кенг соҳада ўзгаривчи атом сонлари учун ядро массаларига тегишли экспериментал маълумотларни Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини математик статистика усуллари қўллаш билан таҳлил қилиш ва атом массаларини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Вигнер $a(A), b(A)$ эмпирик функцияларини маълум ядро массалари асосида аналитик кўриниши аниқланган ҳамда 1800 дан ортиқ нуклидлар учун спин-орбитал таъсирининг ядро массасига қўшган улушининг экспериментал қийматлари ҳисобланган;

Вигнер масса формуласидаги $0.5b(A)\delta$ ҳад ядролардаги жуфтлик энергияси эканлиги исботланган;

масса сонининг кенг ўзгариш соҳасида Франчини-Радикати омилини экспериментал қийматлари аниқ ҳисоблаб топилган ҳамда изоспин проекцияси T_z ва Вигнер ядро турига боғлиқ Франчини-Радикати омили учун аниқ назарий формула топилган;

хар бир ядрода Вигнер спин-изоспин симметрияси бажарилиш даражаси аниқланган;

Франчини-Радикати омил-мезонининг экспериментал ва назарий қийматлари асосида математик статистика усуллари қўллаш орқали Вигнер спин-изоспин симметриясини тоқ масса сонли ва изоспини $T_z \geq 53/2$ бўлган нуклидларда тикланиши ишончлилиги 99% дан катта эҳтимол билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Вигнер эмпирик функцияларини физик изоҳи бажарилган;

эксперимент билан қониқарли мос келувчи бета-стабиллик чизигини тасвирловчи формула олинган;

масса сонини бутун ўзгариш соҳасида жойлашган ядролар учун протон ва нейтрон стабиллик чегараси ҳисоблаб топилган;

Вигнер масса формуласи ёрдамида ядро массасини қаромат қилувчи замонавий ёндашувлар аниқлигидан юқори аниқликда қатор янги ўта оғир ядролар учун α -емирилиш энергияси ва яшаш вақти ҳисобланган;

жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳозирги вақтда қидираётган тартиб номери $Z=120$ бўлган ўта оғир нуклидлар учун α -емирилиш энергияси ва яшаш вақти ҳисоблаб қаромат қилинган;

Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси тикланган, изоспинлари $T_z=51/2, 26, 53/2, 55/2, 28$ ва $57/2$ бўлган бир гуруҳ атом ядроларининг массалари юқори аниқликда (140 кэВ) ҳисобланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги фойдаланилган маълумотларни юқори даражадаги аниқлиги, янги маълумотлар пайдо бўлганда маълумотлар банкини тўлдириш жараёни юқори технологик бўлиши, замонавий дастурлаш, маълумотларни қайта ишлашда замонавий усуллардан фойдаланиш ва юқори муҳимлик даражасига эга статистик усулларни қўллаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Натижаларнинг илмий аҳамияти оғир ва жуда оғир ядролар назариясини ривожлантириш учун ишлатиш мумкинлигида, яъни Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини тикланиш факти кўрсатилган ядролар соҳасида назарий ишланмалар учун янги асос бўлиб хизмат қилади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, биз томондан ишлаб чиқилган Вигнер спин-изоспин симметрияси тикланган атом ядроларининг массаларини абсолют қийматлари ва α – емирилиш энергиясини ҳисоблаш усули изоспини $T_z \geq 51/2$ бўлган нуклидларни масса ва альфа-емирилиш энергиясини башорат қилиш имкониятини берадики, бу “турғинлик оролини” ва хали экспериментда кузатилмаган, лекин қидирилаётган, тартиб рақами $Z=120$ бўлган элемент билан боғлиқ экспериментларни лойихалашда амалиётда ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Вигнер атом ядроларидаги спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси каби физик ҳодисани тадқиқоти ва оғир ядролар соҳасида симметрия тикланиши билан боғлиқ олинган натижаларни қўллаш асосида:

ядро массалари экспериментал қийматларига асосланиб Вигнер эмпирик функциялари аналитик тасвирлашда олинган натижалар, Вигнер масса формуласида жуфтлашиш энергияси мавжудлиги, Франчини-Радикати омилини тўғри ҳисобланган экспериментал қийматлари ва уни олинган аниқ назарий формула каби натижалар ПИТРАП лойиҳасида фойдаланилган (Петербург ядро физикаси институтининг (Россия) 2019 йил 15 октябрдаги

маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши юқори аниқлик билан масса сатҳи манзарасини тиклашга, қайсики бу маълумотлар юлдузларни портлашида рўй берувчи тезкор нейтрон ютилиши жараёнлари йўллари аниқ астрофизик баҳолаш имконини берган;

Франчини-Радикати омилининг ҳисоблаб топилган экспериментал қийматларини Стюдентнинг t -мезони ёрдамида статистик таҳлил қилиш орқали оғир ядролар соҳасида спин-изоспин $SU(4)$ -симметрия тикланиши ҳақидаги хулоса (халқаро илмий журналлардаги ҳаволалар: Journal of Experimental and Theoretical Physics Letters, 2015; Physics of Atomic Nuclei, 2015; EPJ Web of Conferences, 107, 06004, 2016; Physics of Atomic Nuclei, 2020) атом ядросида Вигнер симметриясини тикланиш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқирилишида ва янги ўта оғир ядролар альфа-емирилиш энергиясини аниқлашда чет эллик олимлар томонидан фойдаланилган. Илмий натижаларининг қўлланилиши заряд айирбошлаш резонанслари назариясини, оғир атом ядролари соҳасида Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини тикланишини асослаб берувчи назарияни ва янги очилган ўта оғир ядроларни α -емирилиш энергиясини мувофиқлаштирилган ҳисобларини амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 12 та мақола, шундан 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 170 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, илк бор олинган илмий натижалар санаб ўтилган, олинган натижаларни ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларни жорий этилиши ва иш апробацияст келтирилган, илмий натижаларни эълон қилиниши, диссертация ҳажми ва тузилиши баён этилган.

“Атом ядроларда Вигнер спин-изоспиновая $SU(4)$ -симметрияси” деб номланган биринчи бобда атом ядроларида тикланиши мумкин бўлган Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясига бағишланган манбаларни

қисқача шархи келтирилган. Атом ядроларида Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси тикланишини экспериментда икки усул билан кузатиш мумкинлиги кўрсатилган, яъни 1) ГТР ва АР коллектив ҳолатларни кузатиш; 2) Вигнер масса ифодасини таҳлил қилиш орқали. Биринчи усулни амалга ошириш протонлар тезлатгичи бўлишини тақоза қилади, лекин бу усул аниқлиги эксперимент ўтказиш шароитлари билан чекланган. Иккинчи усул амалиёти масса сонини кенг ўзгариш соҳаси учун мавжуд юқори аниқлик билан ўлчанган атом ядролари массаларини хатосиз қайта ишлаш орқали эмпирик функциялар аналитик кўринишини аниқлашни тақоза қилади. Ушбу ишда муаллиф иккинчи бобда баён қилган иккинчи усулни амалга оширди. Бундан ташқари, замонавий назарий ишланмаларнинг асоси бўлган атом ядролари массалари муаммосига бағишланган асосий назариш ишларнинг қисқача шархи келтирилган. Бу бобда маълумотларни қайта ишлашда қўлланилган дастурлаш ва маълумотлар банкига бағишланган масалалар қисқа ёритилган.

“ $a(A)$, $b(A)$ универсал функциялар ва атом ядроларидаги спин-орбитал таъсирлашиш энергиясини ҳисоблаш ” деб номланган иккинчи боби Вигнер эмпирик универсал функциялари $a(A)$ ва $b(A)$ кўринишини ўрнатиш учун зарур илгари сурилган тамоиллар ва ишчи гипотезани баёнидан бошланади. Ишчи гипотезанинг маъноси Вигнер спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бузувчи омилларнинг таъсири атом ядролари асосий ҳолатларини бир-бирларига нисбатан бирор қонуният асосида силжишидан иборатлигидадир. Бундан ташқари, массалар экспериментал қийматларини таҳлил қилишда, Казимирнинг иккинчи тартибли хади билан чегараланувчи Вигнер масса формуласидан фойдаланилган. Вигнер масса формуласи қуйидаги кўринишга эга

$$M(A, T_z) = a(A) + \frac{1}{2} b(A) C_2(P, P', P'') + E_{\text{Coul}}(A, Z) + E_{\text{sl}}(A, Z) + E_{\text{pair}}(A, Z).$$

бу ерда $E_{\text{Coul}}(A, Z)$ – ядронинг Кулон энергияси, $E_{\text{sl}}(A, Z)$ – ядро массасига спин-орбитал таъсирлашиши қисми, $E_{\text{pair}}(A, Z)$ – жуфтлик энергияси.

Охирги ифодани масса сони тоқ ($E_{\text{pair}}(A, Z) = 0$) бўлган ядролар учун $b(A)$ га нисбатан ечиб қуйдагини оламиз

$$b(A) = \frac{\Delta_{\text{ядро}}(A, T_z) - \Delta_{\text{ядро}}(A, T_z - 1) + \Delta E_{\text{Coul}}(A, Z) + \Delta E_{\text{sl}}(A, Z)}{T_z + 3/2}.$$

Ҳақиқатда, ядролар учун $E_{\text{sl}}(A, Z)$ қиймати номаълум. Шу сабабли $b(A)$ катталик қийматларини $\Delta E_{\text{sl}}(A, Z) = 0$ шарт билан ҳисоблаймиз. Охирги ифодада $\Delta_{\text{ядро}}(A, T_z)$ атом ядроси массасининг ортиқлиги (избыток) ҳисобланади. Мавжуд ҳамма ядро массаларидан иборат жадвалларда нейтрал

атом массасининг ортиқлиги $\Delta_{\text{атом}}(A, T_z)$ келтирилади. Шу сабабли $b(A)$ функция қийматларини ҳисоблашдан аввал, нейтрал атом массаси ортиқлиги жадвалини ядро массаси ортиқлигига жадвалига ўтказиш зарур.

Ҳисоблаб топилган $b(A)$ функция қийматлари тахлили шуни кўрсатдики, уларни ичида кўрилатган масса сони учун доимий қийматлилари бор экан. Бу изоспинлари T_z ва $T_z - 1$ бўлган қўшни ядролардаги спин-орбитал тасирлашиш тенг, ёки қийматлари яқин бўлгандагина бўлиши мумкин. Бундай ядролар учун топилган $b(A)$ функция экспериментал қийматларини қуйидаги функция билан ифодалаш мумкин:

$$b(A) = b_1 \exp(b_2 A) + b_3 \exp(b_4 A).$$

Охирги ифодадаги параметрлар кичик квадратлар усули ёрдамида аниқланган ва улар қуйидаги қийматга эга: $b_1 = 1522(47)$ кэВ, $b_2 = -0.0029(1)$, $b_3 = 4123(200)$ кэВ ва $b_4 = -0.0238(8)$.

$a(A)$ эмпирик универсал функциянинг экспериментал қийматларини қуйидаги формула билан ҳисоблаб топиш мумкин

$$a(A) = \Delta_{\text{ядро}}(A, T_z) + Au - b(A) \times C_2 - E_{\text{Coul}}(A, Z).$$

Бу ифодада $E_{\text{Coul}}(A, Z) = 703.2 \cdot Z^2 A^{-1/3} (1 - 1.28 A^{-2/3})$ – Кулон тасирлашиш энергияси. Таҳлил учун $a(A)/A$ каби солиштира функциядан фойдаланган мақул. Эмпирик универсал $a(A)/A$ функциянинг мавжуд тўплами уни

$$a(A)/A = a_1 \exp(a_2 A) + a_3 \exp(a_4 A) + a_5 \exp(a_6 A) + a_7 \exp(a_8 A)$$

кўринишда ифодалаш мумкинлигини кўрсатди. Параметрларнинг қийматлари 1 - жадвалда келтирилган.


Тоқ масса сонига эга атом ядроларига тегишли ядро массасига спин-орбитал тасирлашишнинг қисмини

$$E_{\text{sl}}(Z, N) = \Delta_{\text{ядро}}(A, T_z) + Au - a(A) - b(A)C_2 - E_{\text{Coul}}(A, Z)$$

формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин. 1-расмда массага спин-орбитал тасирлашишнинг қисмини тоқ ядролар учун N катталиқга боғлиқлиги ифодаланган. Бу расмдан кўриниб турибдики, ҳамма “сеҳрли” сонлар яққол акс этмоқда. Оғир ядролар соҳасида массага спин-орбитал тасирлашиш улуши $E_{\text{sl}}(Z, N)$ абсолют қиймати ошиб боради ва ^{208}Pb ядросида 18 МэВга етади.

$a_1 \div a_8$ коэффициентларнинг қийматлари

Аниқланиш соҳаси	Функция	Коэффициентлар
$175 \leq A \leq 195$ и $A \geq 215$	$a_1 \exp(a_2 A)$	$a_1 = 927368(11)$ кэВ/нукл $a_2 = -5.11(5) \times 10^{-6}$
$79 \leq A \leq 121$	$a_3 \exp(a_4 A)$	$a_3 = 2147(92)$ кэВ/нукл $a_4 = -0.0214(5)$
$25 \leq A \leq 39$ и $57 \leq A \leq 65$	$a_5 \exp(a_6 A)$	$a_5 = 1995(78)$ кэВ/нукл $a_6 = -0.048(1)$
$A \leq 25$	$a_7 \exp(a_8 A)$	$a_7 = 7713(708)$ кэВ/нукл $a_8 = -0.22(2)$



1 -расм. Атом массасига спин-орбитал тасирлашиш қисмини $E_{sl}(Z, N)$ изотоплардаги нейтронлар сонига боғлиқлиги

“Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бузувчи омиллар ва симметрияни оғир ядролар соҳасида тикланиши” деб номланган учинчи бобида Вигнернинг $a(A)$ ва $b(A)$ эмпирик функцияларини физик маъноси, Вигнер масса формуласи жуфтлик энергиясига эгалигини қўлловчи далиллар келтирилган, атом ядроларида Вигнер $SU(4)$ -симметрияси бажарилиш даражаси аниқланган ва оғир ядролар соҳасида симметрияни тикланиши исботланган.

$a(A)$ и $b(A)$ эмпирик функцияларни физик маъносини аниқлаш учун уни Вайцеккер масса формуласи билан солиштириш керак, чунки Вигнернинг масс формуласи Вайцеккер масса формуласининг мадификацияси ҳисобланади. Унда қуйидаси символик математик муносибатларга эга бўламиз:

$$a(A)/A = (m_{\text{nucl}} - \alpha + \beta A^{-1/3}), \quad b(A)C_2 = \gamma (N - Z)^2 A^{-1}.$$

Охирги ифодада α , β ва γ – хажмий, сиртки ва симметрия энергияси хадларидаги коэффициентлар. Олинган биринчи ифодадан $a(A)/A$ (солиштира эмпирик функция) катталики нуклоннинг ядродаги эффектив массаси сифатида қараш кераклиги кўрилади. Бу катталик ядро кучларини тўйиниши ва сирт таранглигини ўзида мужассамлантирган. Иккинчи муносибатнинг ўнг тарафи симметрия энергияси. Шу муносибатнинг чап тарафи симметрия энергиясига нисбатан анча мураккаб тузилишга эга. Мураккаблик иккинчи даражали Казимир оператори билан боғлиқ бўлиб, унинг аналитик кўриниши тоқ-тоқ, жуфт-жуфт нуконли ва масса сони тоқ ядролар учун турли кўринишга эга (2 -жадвалга қаранг).

2 - жадвал

C_2 Казимир оператори ва $b(A)C_2$ хаднинг аналитик кўриниши, ва уч гуруҳ ядролар учун парабола чўққисининг координатлари

Ядро гуруҳлари	C_2 аналитик кўриниши	$b(A)C_2$	C_2 чўққиси координат.
Z, N – тоқ	$0.5(T_z^2 + 4T_z + 3)$	$0.5b(A)(T_z^2 + 4T_z) + 1.5b(A)$	$(-2, -0.5)$
A – тоқ	$0.5(T_z^2 + 4T_z + 1.5)$	$0.5b(A)(T_z^2 + 4T_z) + 0.75b(A)$	$(-2, -1.25)$
Z, N – жуфт	$0.5(T_z^2 + 4T_z)$	$0.5b(A)(T_z^2 + 4T_z)$	$(-2, -2.0)$

C_2 Казимир оператори изоспин проекцияси T_z га боғлиқ иккинчи даражали полином бўлиб, геометрик жихатдан параболадир. 2-жадвалдан кўриниб турганидек, $b(A)C_2$ хаднинг $0.5b(A)(T_z^2 + 4T_z)$ қисми анъанавий симметрия энергиясидан тузилиши мураккаброқ бўлишига қарамай ҳамма гуруҳ ядролар учун (A ўзгармас) бир хил. T_z^2 изоспин проекциясига пропорционал қисми анъанавий симметрия энергияси бўлиб, у ядроларни $N = Z$ бўлгандаги стабиллигини ифодаласа, T_z қисми нейтрон-протон айирбошлаш жараёни билан боғланган. Шу сабабли $0.5b(A)(T_z^2 + 4T_z)$ хадни ядродаги симметрия энергияси сифатида шарҳланиши асослидир.

2-жадвал яна шуни кўрсатадики, C_2 Казимир оператори эркин хадга эга ва у ядроларни Вигнерча турларига қараб турлича қийматлар қабул қилади. Ядроларда $1.5b(A)$ катталик жуфтлик энергиясини ташкил қилади, чунки $b(A)$ ядрода икки заррача орасидаги спин-изоспин туридаги кучларни эффектив ифодалайди.

Вигнернинг атом ядроси учун масса формуласи қуйидаги содда кўринишга эга

$$M(A, T_z) = a(A) + b(A) \times C_2 + E_{\text{Coul}}(A, Z) + E_{\text{sl}}(Z, N).$$

Охирги ифода Францини ва Радикати омили учун аниқ назарий аналитик ифода олишга имкониятини беради. Францини ва Радикати омили Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини бажарилиш даражасини баҳолаши мумкин бўлган ўзига хос тест бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун Францини ва Радикати омили формуласини Кулон тузатиши билан ёзилган формуласидан фойдаланамиз

$$R = \frac{M(A, T_z) - M(A, T_z - 2) - \Delta E_{\text{Coul}}(Z, Z + 2)}{M(A, T_z - 1) - M(A, T_z - 2) - \Delta E_{\text{Coul}}(Z + 1, Z + 2)}$$

ёки ўгартиришлардан сўнг

$$R = \frac{(T_z^2 + 4T_z + \delta_{T_z}) - [(T_z - 2)^2 + 4(T_z - 2) + \delta_{T_z - 2}]}{[(T_z - 1)^2 + 4(T_z - 1) + \delta_{T_z - 1}] - [(T_z - 2)^2 + 4(T_z - 2) + \delta_{T_z - 2}]}$$

Охирги ифодада $\delta = 3.0, 1.5$ ва 0.0 мос равишда N, Z – тоқ, A – тоқ ва N, Z – жуфт ядролар учун ва атом ядроларида Вигнер симметрияси ўринли деган тахмин билан, охирги ифодани соддалаштирганимиздан сўнг $R_{\text{назарий}}$ омил учун аниқ назарий формула оламиз:


$$R_{\text{назарий}} = \frac{4(T_z + 1)}{2T_z + 1 + \eta}.$$

Бу формулада T_z изоспин учун агарда ядро жуфт-жуфт бўлса $\eta = +3$, агарда ядро масса сони тоқ бўлса $\eta = 0$ ва агарда ядро тоқ-тоқ бўлса $\eta = -3$ қийматга эга. Вигнер симметрияси бажарилганда $R_{\text{назарий}}$ учун ёзилган формула фақат T_z ва η катталикларга боғлиқ. η катталик $R_{\text{назарий}}$ эгри чизигини Вигнер туридаги ядроларга мос равишда учта оилага бўлади ва η катталиқни келиб чиқиши Казимир операторидаги жуфтлашиш ходисаси билан боғлиқ эркин хад билан боғланган.

Францини ва Радикати $R_{\text{назарий}}$ омилини экспериментал қийматлари, масса сони ўзгариш диапазони $5 \leq A \leq 257$ бўлган, имкони бор ҳамма ядролар учун ҳисоблаб топилди.

2-расмда Францини ва Радикати омилининг экспериментал қийматларини $R_{\text{эксп}}$ масса сонига боғлиқлиги изоспини $T_z = 13/2, 27/2$ и $51/2$ ($A = 2n + 1$ -масса сони тоқ ядролар), $T_z = 4, 12$ и 24 ($A = 4n$ -жуфт-жуфт ядролар) ва $T_z = 4, 12$ и 24 ($A = 4n + 2$ -тоқ-тоқ ядролар) бўлган нуклидлар учун мос равишда келтирилган. Расмдаги тўғри чизиклар $R_{\text{назарий}}$ формула ёрдамида чизилган. Расмдан кўринишича Францини ва Радикати омилининг экспериментал қийматлари $R_{\text{эксп}}$ вариацияга эга, яъни симметрияни бузувчи спин-орбитал тасирлашиш яққол сезилмоқда.

Юқорида олинган R омилининг назарий ва экспериментал маълумотларидан фойдаланиб, Вигнернинг спин-изоспин симметриясини бузилиш даражасини баҳолаш мумкин. Спин-изоспин симметрияни бузилиш даражаси $\Delta R = (\bar{R}_{\text{эксп}} - R_{\text{назарий}}) / R_{\text{назарий}}$ муносибат каби баҳоланади. Бу ифодада $\bar{R}_{\text{эксп}} - T_z$ изоспинли ядро учун R омилининг ўртача қиймати. Хисоблар спин-изоспин симметрия айниқса тоқ-тоқ ядроларда кучли бузилганини кўрсатади ва у ўртача $\sim 15 \div 20 \%$, жуфт-жуфт ядроларда эса $\sim 5 \%$ атрофида ва масса сони тоқ ядроларда бузилиш 1% атрофида.



2 -расм. Франчини ва Радикати омилининг экспериментал $R_{\text{эксп}}$ қийматларини изоспинлари $T_z=13/2, 27/2$ ва $51/2$ бўлган ядроларда масса сонига A боғлиқлиги

Олинган маълумотларга асосланиб Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини атом ядроларида бажарилишини аниқроқ текшириб кўрамиз. Бунинг учун берилган изоспин T_z учун Франчини ва Радикатининг назарий $R_{\text{назарий}}$ ва экспериментал ўртача қийматлари $\bar{R}_{\text{эксп}}$ орасидаги мослик даражасини аниқлаш масаласи кўрилиши керак. $\bar{R}_{\text{эксп}}$ ва $R_{\text{назарий}}$ қийматлари орасидаги фарқ тасодифий ёки тасодифсизлиги масаласини аниқлаш учун Стюдентнинг (В. Госсет) t -мезонидан фойдаланамиз. t -мезонни хисоблаш учун $t = (|\bar{R}_{\text{эксп}} - R_{\text{назарий}}|) \sqrt{n} / \sigma_{\text{эксп}}$ формуладан фойдаланамиз. Бу ифодада $\sigma_{\text{эксп}}$ — стандарт четланилиш, $n - T_z$ изоспин учун $R_{\text{эксп}}$ маълумотларнинг экспериментал миқдори. Мухимлик даражасини $\alpha = 0.01$ қилиб танлаймиз.

Вигнернинг уч турдаги ядролари учун Стъюдент t -мезонининг $t_{\text{хисоб}}$ хисоблар ва $t_{\text{жадвал}}$ жадвал қийматларини изоспинга боғланган ўзаро муносибати (муҳимлик даражаси $\alpha = 0.01$)

Ток A ядролар			Ток-ток ядролар			Жуфт-жуфт ядролар		
T_z	n	$t_{\text{хисоб}} < > t_{\text{жадвал}}$	T_z	n	$t_{\text{хисоб}} < > t_{\text{жадвал}}$	T_z	n	$t_{\text{хисоб}} < > t_{\text{жадвал}}$
3/2	28	58.268 > 2.771	2	17	74.976 > 2.947	2	16	41.912 > 2.947
5/2	37	50.271 > 2.725	3	18	11.241 > 2.947	3	19	18.441 > 2.880
7/2	41	61.677 > 2.704	4	23	4.030 > 2.819	4	21	32.728 > 2.830
9/2	43	111.319 > 2.694	5	22	73.089 > 2.831	5	22	14.793 > 2.831
11/2	43	192.25 > 2.694	6	18	8.618 > 2.947	6	18	21.537 > 2.947
13/2	34	25.696 > 2.723	7	17	15.559 > 2.947	7	16	6.692 > 2.947
15/2	29	10.168 > 2.763	8	13	20.827 > 3.055	8	15	11.371 > 2.977
17/2	34	10.261 > 2.723	9	14	27.521 > 3.012	9	22	39.151 > 2.831
19/2	42	17.841 > 2.698	10	21	31.565 > 2.830	10	23	15.411 > 2.831
21/2	40	0.652 > 2.702	11	22	46.285 > 2.831	11	22	84.883 > 2.831
23/2	37	12.964 > 2.725	12	20	28.961 > 2.880	12	19	80.383 > 2.880
25/2	31	37.655 > 2.750	13	16	40.116 > 2.947	13	20	40.145 > 2.880
27/2	28	10.152 > 2.771	14	17	15.212 > 2.921	14	19	40.046 > 2.880
29/2	25	3.747 > 2.797	15	18	24.906 > 2.950	15	19	34.634 > 2.880
31/2	30	49.115 > 2.756	16	19	15.598 > 2.880	16	20	9.670 > 2.880
33/2	35	40.562 > 2.730	17	17	14.919 > 2.921	17	19	5.266 > 2.880
35/2	25	37.201 > 2.797	18	13	66.612 > 3.055	18	11	13.700 > 3.169
37/2	24	4.373 > 2.807	19	12	28.526 > 3.106	19	10	4.765 > 2.880
39/2	19	22.445 > 2.880	20	9	28.591 > 3.355	20	9	9.359 > 3.355
41/2	16	15.082 > 2.947	21	7	13.844 > 3.707	21	8	11.608 > 3.499
43/2	16	8.940 > 2.947	22	5	15.990 > 4.604	22	8	10.015 > 3.499
45/2	16	32.554 > 2.947	23	6	6.421 > 4.032	23	7	5.919 > 3.707
47/2	12	10.159 > 3.106	24	6	18.115 > 4.032	24	6	7.814 > 4.032
49/2	8	6.681 > 3.499	25	3	134.024 > 9.925	25	9	19.531 > 3.355
51/2	7	4.233 > 3.707	26	6	56.939 > 4.032	26	8	30.055 > 3.499
53/2	9	0.545 < 3.355	27	8	41.699 > 3.499	27	7	8.316 > 3.707
55/2	9	0.876 < 3.355	28	4	10.536 > 5.841	28	5	21.309 > 4.604
57/2	6	0.660 < 4.032						

3-жадвалдан кўриниб турганидек, T_z изоспиннинг бутун ўзгариш соҳасида Вигнернинг симметрияси жуфт-жуфт ва ток-ток ядролар учун, тикланишга интилиш бўлса ҳам, симметрия тикланмайди. Масса сони ток бўлган ядролар ичида изоспини $T_z = 53/2, 55/2$ ва $57/2$ бўлганлари учун t -мезон қийматлари жадвалларда келтираладигандан кичик. Бу фактни статистика нуқтаи назаридан қараганда Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси изоспини $T_z \geq 53/2$ бўлган оғир ядролар соҳасида муҳимлик даражаси $\alpha < 0.01$ билан тикланади деб талқин қилиниши керак, яъни ишончлилиги 99% дан катта даражада такидлаш мумкин.

Стъюдентнинг t -мезонини қўллаш учун иккита шарт бажарилиши зарур: 1) $R_{\text{назарий}}$ ифодаси аниқ бўлиши; 2) ишлатилаётган R сайланма нормал тақсимотга эга бўлиши керак. Биринчи шарт бажарилган. Стъюдентнинг

оптималь t -мезони натижалари ишончли бўлиши учун $R_{\text{эксп}}$ қийматларини нормал тақсимотга эгаллигини текшириш керак. Бунинг учун биз Шапиро-Уилки мослик мезонидан фойдаландик. Маълумотларни Шапиро-Уилки мослик мезони ёрдамида ўтказилган таҳлили Вигнернинг спин-изоспин симметрияси тикланишини исботлашда қўлланилган Стюдентнинг t -мезони ўринли ишлатилганини кўрсатади.


“Вигнернинг масса формуласидан ядро физикасига тегишли амалий масалаларни ечишга татбиқ қилиш” деб номланган тўртинчи боби замонавий ядро физикасининг амалий масалаларини ечишга бағишланган. Вигнернинг масса формуласидан фойдаланиб бета-турғинлик чизиғини, нейтрон ва протон стабиллиги чизиқларини назарий ҳисоблаш масаласи, чексиз ядро материясида нуклон массасини баҳолаш, оғир ядролар соҳасида спин-орбитал тасирлашишни сусайиши ва “турғинлик оролини” мавжудлиги масаласи, янги ўта оғир ядроларни альфа-емирилиш энергияси ва $SU(4)$ -симметрия тикланган қатор оғир ядролар массасини катта аниқлик билан ҳисоблаш масалалари кўрилган.

Бета-турғинлик чизиғини топиш учун қуйидаги икки параболадан иборат ифодани берилган масса сонида минималлаштириш керак

$$F(A, Z) = 0.5[b_1 \exp(b_2 A) + b_3 \exp(b_4 A)] \cdot (T_z^2 + 4T_z + 1.5) + K_1 Z^2 A^{-1/3} (1 - K_2 A^{-2/3}).$$

Охирги ифодада $K_1 = 703.2$ и $K_2 = 1.28$. Сўнгра, $\partial F(A, Z) / \partial T_z |_{A = \text{const}}$ ифодани ҳисоблаб уни нўлга тенглаб, изоспин проекцияси масса сони функцияси каби боғланган формуласини олиш мумкин:

$$T_z |_{\beta - \text{стаб}} = \frac{K_1 (A^{2/3} - K_2) - 2B}{B + 2K_1 (1 - K_2 A^{-2/3})}.$$




3-расм. Нуклидлар харитаси (Z, N) . Узликсиз чизиқ–“бета-стабиллик” чизиғи (ҳисоблаш), стабил ядролар қора нукта билан белгиланган

Охирги ифода $B = 0.5[b_1 \exp(b_2 A) + b_3 \exp(b_4 A)]$ ва у бета-турғунлик чизиғини беради. Бета-турғунлик чизиғида жойлашган нуклиднинг T_z изоспини аниқ топиш учун ифодани спин-орбитал тасирлашишини қўшиб ҳисоблаш керак. 3-расмда (Z, N) нуклидлар харитаси келтирилган. Унда стабил ядролар қора нукта билан белгиланган ва узликсиз чизиқ юқоридаги формула билан ҳисобланган.

Ядро физикаси ва астрофизика фанлари учун муҳим бўлган турғунлик соҳаси бўлиб, протонларни шундай кўплиги (нейтронларни камлиги) бўлсинки, унда протонни (нейтронни) ядродан ажратиш энергияси нўл бўлсин. Бу чегарани протонлар учун $\varepsilon_p = \{m_p + M(A-1, N) - M(A, N)\}$ формула билан ҳисоблаш мумкин. Бу ифодада ε_p –массаси $M(A, N)$ бўлган ядрода протон боғланиш энергияси, m_p –протон массаси. Шу каби массаси $M(A, N)$ бўлган ядродаги нейтрон боғланиш энергияси $\varepsilon_n = \{m_n + M(A-1, Z) - M(A, Z)\}$ формула билан ҳисобланади.

Вигнернинг масса формуласидан, аниқланган эмпирик функциядан фойдаланиб спин-орбитал таъсирлашиш энергиясиз биз ε_p и ε_n қийматларини ҳисобладик. 4-расм протон ва нейтрон турғунлик чегарасини (Z, N) нуклид харитасидан ўтишини ифодалайди. Шу расмда Вигнер масса формуласига асосланган ҳисоблашлар Вайцзеккер формуласига асосланган ҳисоблашлар билан таққосланмоқда.



4 -расм. Атом ядродарининг протон ва нейтрон стабиллиги чизиқлари. Вигнер ва Вайцзеккера масса формулалари асосида ҳисобланган

Биз томонимиздан таклиф қилинган Вигнернинг солиштирма эмпирик формуласи ёрдамида чексиз ядро моддасида нуклоннинг эффектив массасини аниқлашда мумкин. Ҳақиқатда, чексиз массали ядро учун $A \approx \infty$ ва $a(A)/A = a_1$. $a(A)/A$ катталик нуклонни ядродаги эффектив массаси бўлгани учун a_1 катталикка чексиз ядродаги нуклон массаси деб қараш мумкин. Биз томонимиздан аниқлаштирилган a_1 параметрнинг қиймати $a_1 = 927382(8)$ кэВ/нукл. тенг. a_1 катталикдан ядро массасининг табиий эмпирик бирлиги сифатида фойдаланиш мумкин. Универсал ва эмпирик масса birlikлари орасида $u/a_1 = 1.004434(9)$ боғланиш бор.

Қобиклар модели табиатда урандан оғир ядролар бўлишига тўсиқ қўймайди. Бундан ташқари, қобиклар тўлган сари, спин-орбитал тасирлашиш умуман ошиб боради. Бу эса турғунлиги катта ядролар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Классик қобиклар модели башоратига кўра $^{208}_{82}\text{Pb}$ ядросидан кейин икки карра “сеҳрли” ядро бўлиб таркибида $Z=126$ нафар протон ва $N=184$ нафар нейтрон бўлган масса сони $A=310$ ли нуклид бўлиши керак. Ядрога мос равишда $1i_{13/2}$ ва $1j_{15/2}$ қобиклар тўлдирилади. $^{310}_{126}$ ядросини суний йўл билан олиш хатто ҳозирги кун учун ҳам жуда жиддий илмий-техник муаммо ҳисобланади. Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб нисбатан катта яшаш вақтига эга бўлган, оғир ядролар соҳасида жойлашган ва яшаш вақти катта бўлган нуклидларни назарий йўл билан каромат қилишга бағишланган тадқиқотлар кучайди.

Айрим назарий характерга эга шартлар бажарилганда протонлари $Z=114$ ва нейтронлари $N=184$ бўлган ядрони икки карра “сеҳрли” деб қараш мумкин экан. Шу ядро атрофидаги ядролар соҳасини “турғунлик ороли” деб аташ қабул қилинган. Бу нуклидлар бошқа оғир ядролардан бўлинишга нисбатан турғунлиги билан ажралиб туради ва альфа ва бета усул билан емирилиши мумкин.

Вигнернинг $SU(4)$ -симметриясини тикланиши “турғунлик ороли”га қарашли ядроларда кузатилаётган яшаш вақтларини янгича таҳлил қилиш имконини беради. Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметриясини ўта оғир ядролар соҳасида тикланишини қуйидаги экспериментал фактлар тасдиқлайди:

1) оғир ядролар соҳасида ГТР ва АР резонансларини асимптотик яқинлашиши физика нуқтаи назаридан $A(N, Z)$ ядросида нейтронлар орбиталиги ёки изоспин ошиши билан зарядли $p\bar{n}$ -каналда спин-орбитал парчаланиш энергияси ΔE_{is} катталигини босилишини англатади ва бу ЧФТН (ТКФС) назариясида изоспин ва спин-изоспин тасирлашиш константаларини тахминан тенглигидан $f'_0 \approx g'_0$ далолат беради;

2) ўта оғир, нейтронлари сони $N > 146$ бўлган, ядролар соҳасига яқинлашган сари массага спин-орбитал тасирлашишнинг экспериментал қисмини $E_{sl}(Z, N) \sim 100$ кэВгача камайиши;

3) атом ядролари асосий ҳолатлари массасини экспериментал маълумотларига асосланиб топилган Францини ва Радикати омилини Стьюдент t -мезони усули ёрдамида статистик тахлили 99,9% катта ишончлилик билан Вигнернинг спин-изоспин $SU(4)$ -симметрияси изоспини $T_z \geq 53/2$ катта тоқ масса сонли ядроларда тикланишини кўрсатади;

4) жуфт масса сонли ядроларда T_z изоспин ошиши билан симметрияни тикланишига интилишни кузатилиши;

5) ўта оғир ядролар учун $E_{sl}(Z, N) = 0$, яъни Вигнер симметрияси тўла тиклаган, деган тахмин билан Вигнер масса формуласига асосланиб ҳисобланган α – емирилиш Q_α энергиясини эксперимент билан мослигини бошқа замонавий назарий ҳисоблашлардан устунлиги;

6) Вигнер $SU(4)$ -симметрияси тикланган ўта оғир ядроларни массасини ҳисоблашдаги катта аниқлик.

Бизни баҳолашимиз бўйича классик икки қаррали “сеҳрли” сонга эга $Z=126$ ва $N=184$ соҳадаги $^{310}_{126}$ ядрога массага спин-орбитал тасирлашиш қўшган қисми тахминан -28 МэВни ташкил қилиши керак. Лекин бундай тасирланиш экспериментда кузатилмаётгани. Шу сабабли биз “турғунлик ороли” соҳасида жойлашган ядроларда кузатилаётган яшаш вақти Вигнер симметриясми тикланиши билан боғлиқ деган тахминни илгари сурамиз.

α – емирилиш энергияси Q_α туртки эффектини ҳисобга олганда емирилиш иштирок этаётган ядролар массалари айирмаси орқали $Q_\alpha(Z, N) = M_1({}^A_ZX) - M_2({}^{A-4}_{Z-2}Y) - M_\alpha + E_1 - E_2$ формула орқали боғланган. Бу ифодада $M_1({}^A_ZX)$ ва $M_2({}^{A-4}_{Z-2}Y)$ бошланғич ва охирги ҳолат массалари, M_α – α – заррача массаси, E_1, E_2 – бошланғич ва охирги ядроларнинг мос равишда уйғонган ҳолатлари энергияси. Экспериментда кузатилган α – емитилиш Q_α энергиясига асосланиб Пархоменко-Собичевскийларнинг эмпирик $\lg T_\alpha(Z, N) = aZ[Q_\alpha(Z, N) - \overline{E}_2]^{-1/2} + bZ + c$ формуласи ёрдамида топилган янги ядро яшаш вақтини ҳисоблаб топиш мумкин. Охирги ифодада $a=1.5372$, $b=-0.1607$ ва $c=-36.573$. формуладаги $\overline{E}_2$ охирги ҳолат ядросининг ўртача уйғониш энергияси. Жуфт-жуфт ядролар учун $\overline{E}_2 = 0$, тоқ-жуфт ядролар учун $\overline{E}_2 = E_p = 0.113$ МэВ, жуфт-тоқ ядролар учун $\overline{E}_2 = E_n = 0.171$ МэВ ва тоқ-тоқ ядролар учун $\overline{E}_2 = E_p + E_n$. 4 Жадвалда Вигнер масса формуласи ёрдамида Вигнер симметрияси тўлиқ тикланганлигига мос келувчи массага спин-орбитал тасирлашиш қисми $E_{sl}(Z, N) = 0$ тахмини билан бажарилган ҳисоблашлар натижаси келтирилган. 4 Жадвалдан кўриниб турганидек экспериментдан ҳисоблашларимиз ўртача квадратик четлашиши замонавий бошқа усуллар натижасидан устун.

Ўта оғир ядроларнинг α – емирилиш Q_α (кэВ) энергияси. Q_α қийматлари ва турли усуллар кароматлари Толоконников ва бошқалар ишидан жалб қилинган


Дастлабки ядро	Эксп.	Вигнер бўйича	Толоконников ва бошқ.	Скирма-Хартри-Фок	Микро-Макроско-Метод	Эмпирик Қобик Модели
²⁹⁴ 118	11810	11332	11450	11400	12110	11550
²⁹⁰ Lv	11000	10923	11810	10700	11080	11420
²⁸⁶ Fl	10330	10511	10060	10300	10860	11110
²⁹⁴ 117	10960	10773	10980	11100	11430	10900
²⁹⁰ 115	10090	10359	10240	10400	10650	10800
²⁸⁶ 113	9760	9942	9310	9400	9980	10500
²⁸² Rg	9130	9521	9160	9100	9850	10000
²⁷⁸ Mt	9690	9096	9760	9450	9550	9490
²⁷⁴ Bh	8930	8667	9350	8770	8830	8880
²⁹³ 117	11140	10951	11070	11000	11530	11230
²⁸⁹ 115	10450	10539	10580	10400	10740	11050
²⁸⁵ 113	9880	10123	9330	9500	10210	10690
